ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

31 октябрь, шанба 1998 йил №126(627)

Ушбу сонда:

1 ОБУНА МУАММОЛАРИ

2 ЭКОЛОГИК ХАВФ НИМАДАН?

3 TV ДАСТУРИ

4 БАҒРИТОШЛАР

29 октябрь куни Туркияда турк халқининг миллий байрами - Республика эълон қилинганининг 75 йиллиги нишонланди. Ушбу байрам тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

ҚАРДОШ ХАЛҚ БАЙРАМИ

Туркиянинг миллий байрами тўғрисида сўз борар экан, ушбу давлат асосчиси, истиқлол йўлидаги моҳир курашчи Мустафо Камол Отатурк номи ёдга тушади.

Байрам тантаналарига ташриф буюрган Президент Ислом Каримов дастлаб Отатуркка бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Йигирмага яқин давлат раҳбарлари, қарийб етмиш мамлакатдан келган ҳукумат делегациялари вакиллари номидан Отатурк қабрига гул қўйиш маросимида иштирок этди. Қабр ёнида бир дақиқа сукут сақланди.

Президентимизнинг Туркияга сафари байрам тадбирлари билан чекланиб қолгани йўқ. Ислом Каримов ва Туркия Миллий байрами тантаналарининг бошқа иштирокчилари мамлакат парламентига ташриф буюрдилар. Бу ерда Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефт ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркия бош вазири Месут Йилмаз, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ва кузатувчи сифатида АҚШ Энергетика вазири Билл Ричардсон имзо чекдилар.

Мазкур ҳужжат иштирокчи давлатларда нефт ва газ захираларини ўрганиш, ўзлаштириш ва қазиб олиш ҳажмини ошириш, шунингдек, уларни иқтисодий ҳамда тижорий жиҳатдан асосланган ҳолда ётқизилган қувурлар орқали жаҳон бозорига етказиб беришни таъминлашга қаратилган. Президентлар углеводород хомашёсини экологик тоза усулда, мунтазам равишда ва эркин узатилишини назарда тутувчи Европа Энергетик Хартияси тамойилларига хайрихоҳлик билдирдилар.

Декларацияда Транскаспий ва Транскавказ нефт-газ тизимларини ўз ичига оладиган «Шарқ-Ғарб» энергетика йўлаги муҳим лойиҳа экани қайд этилган. Ҳужжатга имзо чекканлар унинг тижорий жиҳатдан мақбул ҳолда, адолатли тарзда ишлаб чиқилганини таъкидладилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг меҳмонлар Президент С.Демирэлни байрам билан қутладилар. Шу ернинг ўзида Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси Ҳикмат Четин номидан тантана иштирокчилари шарафига қабул маросими уюштирилди.

Туркияга ташриф асносида Ислом Каримов байрам муносабати билан Анқара отчопарида ўтказилган тантанали ҳарбий парадда иштирок этди.

Шу билан Президент Ислом Каримовнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди. 29 октябрь куни давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президентимизни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

Тошкент-Анқара-Тошкент.

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан, 30 октябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки мамлакат Давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Ўзаро мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини бундан ҳам кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, суҳбат чоғида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро сиёсатдаги долзарб муаммолар ҳақида ҳам сўз борди.

Президентларнинг яккама-якка учрашуви кечаётган бир пайтда Дўрмон қароргоҳининг мажлислар залида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида жиноятчиликка қарши кураш, ишлаб чиқариш борасидаги ҳамкорлик, нефт ва газ қидириш, уларни қайта ишлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан Қозоғистон таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик, Тошкент шаҳри билан Остона шаҳри ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга ҳам имзо чекилди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

/ЎзА/

ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Туркия халқининг миллий байрами - Республика эълон қилинганлигининг 75 йиллигига бағишланган тадбирлар вақтида Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев, Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг учрашуви бўлди.

Учрашувда Анқара Декларацияси қабул қилинди. Декларация мазкур давлатларда нефт ва газ ресурсларини қидириш ва қазиб чиқаришда, шунингдек, бу ресурсларни кўп сонли қувурлардан фойдаланиб, халқаро бозорга ишончли тарзда етказиш борасида ҳамкорликни кенгайтиришни кўзда тутади.

Президентлар Каспий Денгизи минтақасидаги мамлакатлар ва қўшни давлатлар мустақиллиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида шу мамлакатлар углеводород ресурсларини ўзлаштиришнинг муҳимлигини таъкидладилар. Шунингдек, уларнинг иқтисодий юксалиш ва халқлар фаровонлиги даражасини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, иқтисодий ва тижорий жиҳатдан асосланган кўп сонли қувурлар орқали нефт ва газ ресурслари ташилишини таъминлаш зарурлигини тасдиқладилар.

Сўнгра Президентлар Европа Энергетик Хартияси қоидаларига содиқликларини тасдиқладилар, бу хартия углеводород хомашёсининг эркин, барқарор, экологик жиҳатдан хавфсиз ва узлуксиз ташилишини кўзда тутади.

Президентлар углеводород хомашёси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар хусусида тижорат жиҳатидан мақбул бўлган ва адолатли равишда, ҳеч бир томонни камситмайдиган асосларда барпо этилган Транскаспий ва Транскавказ нефт-газ тизимларини ўз ичига оладиган «Шарқ-Ғарб» транспорт йўлагини амалга ошириш Каспий денгизи минтақасида ва унга чегарадош мамлакатларда қазиб чиқарилган углеводород ресурсларини жаҳон бозорларига чиқариш ишида жуда муҳим лойиҳа эканлигини таъкидладилар.

Президентлар энергетика ресурсларини халқаро бозорларга етказиб бериш лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилган хорижий ва маҳаллий сармоя эгаларини муҳофаза қилиш борасидаги мавжуд халқаро қоидаларга мувофиқ, «Шарқ-Ғарб» энергетика йўлини, шу жумладан, унинг «Боку-Тбилиси-Жейхан» қувури доирасида амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитни жуда тез муддатда барпо этишни ўз мамлакатларининг тегишли органларига топширишга тайёр эканликларини маълум қилдилар. Шунингдек, улар инвесторлар учун қулай шароит яратиш мақсадида, зарур чоралар кўриш хусусида бир фикрга келдилар.

АҚШ энергетика вазири Б.Ричардсон ҳам кузатувчи сифатида Декларацияга имзо чекди.

Иллатлардан фориғ бўлайлик

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик театрида Президентимизнинг тўй ва маросимларни ўтказишда йўл қўйилаётган дабдабабозлик, исрофгарчиликка оид куни кеча матбуотда эълон қилинган Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, жамғармалар вакиллари, олимлар, дин арбоблари, санъаткорлар қатнашди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Каромatов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон халқ артисти З.Муҳаммаджонов, ёзувчилар Ў.Ҳошимов, П.Қодиров, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони халқимиз кўнглидаги фикрларни ифодалаганини таъкидладилар.

Кейинги вақтда айрим юртдошларимиз томонидан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда халқимизнинг азалий одат ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, қўни-қўшниларнинг аҳволини ҳисобга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётган эди. Аксариат ҳолларда бунга айрим манманликка берилган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда. Жамоатчиликда ҳақли эътирозлар туғдираётган бундай иллатларга қарши кескин курашмоқ керак. Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур Фармонни ҳаётга кенг татбиқ этиш, миллий маънавиятимизни мустаҳкамлаш, ёшларимиз тарбиясига ҳисса қўшадиган барча соҳа ходимларига катта масъулият юклайди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев иштирок этди.

/ЎзА/

Чинозликлар карвонбоши

Бу йил мамлакат пахта хирмонига 18 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш ниятида меҳнат қилаётган Чиноз тумани деҳқонлари йиғим-теримни тобора авж олдирмоқдалар. Об-ҳаво инжиқликларига қарамай, ҳозиргача режадаги ҳосилнинг қарийб 90 фоизи саранжомлаб олинди. Айни пайтда туман хўжаликлари бирин-кетин маррага етмоқда. Собир Раҳимов номидаги хўжаликдан сўнг Амир Темур номли жамоа хўжалиги ҳам мажбурият ҳисобига пахта топшира бошлади. Давлатга 1 минг 190 тоннадан зиёд қимматли саноат хомашёси етказиб берган мазкур хўжалик заршунослари далалардан яна 130 тонна ҳосил йиғиштириб олмоқчи. Айни кунларда туман пахтазорларида 12 минг нафарга яқин теримчи ва ҳашарчи меҳнат қилмоқда.

«Пахта - 98»

ПИСКЕНТ туманидаги Охунбобоев номли хўжаликнинг Абдурашид Қосимов бошлиқ бригада даласида терим машиналаридан унумли фойдаланилмоқда. Бу ерда маданий-маиший тадбирлар ҳам намунали амалга оширилаяпти.

СУРАТДА: хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Абдулқосимов теримчилар билан ўзаро мулоқотда.

Х. АВВАЛОВ олган сурат.

ТОМОРҚА ЭГАЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги «Гулшан» жамоа хўжалигида токзорлар учун темирбетон устунлар ишлаб чиқарадиган цех очилди. Цехда юзга яқин киши ишлай бошлади, уларнинг кўпчилиги мазкур хўжалик санация қилингач, ишдан маҳрум бўлган эди.

Хўжаликнинг ўзи янги корхонани ташкил этишга қодир эмасди, шу сабабли цехни очишда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бошқармаси катта ёрдам берди. Бошқарма цехни жиҳозлаш учун 13 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратди. Вилоят бандлик хизмати фақат Янгиқўрғон туманидаги «Гулшан» хўжалигини эмас, вилоятдаги санация бошланган бошқа жамоа хўжаликларини ҳам шафеликка олди.

Шулардан бири Косонсой туманидаги «Испарон» жамоа хўжалигидир. Вилоят бандлик хизматининг воситачилигида бу ерда яқин кунларда тўқувчилик цехини очиш мўлжалланган.

Бундай цех Тўрақўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида ҳам ишга туширилади. Бу цех меҳнат бошқармасининг маблағидан ташқари республика «Бизнес фонди» томонидан ажратилган пул ҳисобига ташкил этилмоқда. Машина-ускуналарни етказиб беришни ўз зиммасига олган машҳур «Зингер» фирмаси ҳам ҳаражатларнинг бир қисмини кўтаради.

Вилоят бандлик хизмати қийин даврни бошидан кечираётган хўжаликларга ёрдам бериш билан чекланаётгани йўқ. Меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вилоят бошқармаси бошлиғи Ҳабибулло Ҳожиматовнинг сўзларига қараганда, бошқарманинг асосий мақсадларидан бири қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам беришдан иборат. Шу мақсадда яна «Зингер» фирмаси билан ҳамкорликда Чуст туманидаги Варзик қишлоғида ҳам янги тўқувчилик цехи очиш мўлжалланган.

Деҳқон ва фермер хужаликларини ривожлантириш ишга жойлаштириш хизмати фаолиятининг яна бир жиҳатидир. Сўнгги даврда деҳқон ва фермер хўжаликлари анча кўпайди. Бунинг сабаби шахсий томорқалар эгалари мақомининг ўзгарганидир. Яқинда қабул қилинган қонунга мувофиқ томорқа эгалари деҳқон хўжаликларининг раҳбарларига тенглаштирилди.

Биргина Тўрақўрғон туманида деҳқон хўжаликлари сони бирданига 318 та кўпайди. Уларнинг ҳаммаси вилоят бандлик хизмати туман бўлинмасида рўйхатга олинди, деҳқон хўжалилари раҳбарлари ўз мақомини юридик шахс сифатида расмийлаштирса, уларнинг ҳар бири имтиёзли кредит олишга умид қилиши мумкин. Шу сабабли меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш вилоят бошқармасига шундай кредит олиш учун томорқа эгаларидан дастлабки аризалар туша бошлади. Улар кредитдан фойдаланиб иссиқхона қурмоқчи, электр дурадгорлик дастгоҳлари, тегирмонлар сотиб олмоқчи.

Томорқа эгалари нималарга қодирлигини қуйидаги фактлардан билиб олиш мумкин. Тўрақўрғон туманидаги Ахсий қишлоғида яшовчи Йўлдошали Аҳмедов томорқасидан 300 минг сўмдан кўпроқ даромад олди. Йўлдошали отанинг томорқаси бир гектарнинг юздан етти қисмини ташкил этади. Тўрақўрғонлик деҳқон эртанги узумни плёнка остида етиштиришнинг янги усулини топиб, тадбиркорлиги ва меҳнати туфайли катта даромад олди.

Бошқа томорқа эгалари ҳам катта даромад олишлари учун ҳамма имкониятлар мавжуд, бунга вилоят бандлик хизмати раҳбарларининг ишончи комил. Фақат ҳар қарич ердан самарали фойдалана билиш керак. Яқин вақт ичида виloятда деҳқон хўжаликлари янада кўпаяди, демак ердан самарали фойдаланиш энг долзарб вазифадир. Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1998-2000 йилгача бўлган даврда Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган бир нечта жамоа хўжалиги негизида деҳқон хўжаликларини тузиш кўзда тутилган. Вилоят бандлик хизмати ҳам бошқа ташкилотлар билан биргаликда уларга баҳоли қудрат ёрдам беришга тайёргарлик кўрмоқда.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

«Обуна-99»

СИРДАРЁДА ГАЗЕТА ЎҚИШМАЙДИМИ?

Ҳаётимизни тўртинчи ҳокимият дея эътироф этилаётган оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Севимли рўзномаларимизни варақлар эканмиз мустақил Ўзбекистонимизнинг жўшқин ҳаёти, фидойи инсонларнинг тажриба ва ташаббуслари, ҳар кундаги ўзгаришлар шунингдек, дунё воқеаларидан хабардор бўламиз. Газеталар севимли маслаҳатгўйимиз, ҳаётимиз ойнаси деб бекорга таъкидлашмайди. Матбуот нашрларининг маънавиятни юксалтириш, инсонлар меҳнати, фазилатларини кенг мадҳ этишдаги роли ҳам алоҳидадир.

Ҳозирги кунда Республикамизда газета ва журналларга 1999 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Ўта муҳим ишнинг аҳамиятини чуқур англаган хўжаликлар, корхоналар, ташкилотларда обуна намунали ташкил этилаяпти. Бироқ, чўлқуварлар маскани бўлмиш Сирдарёда бу борадаги натижалар, ташкилий ишлар қаноатланарли эмас.

Сабабини сўрасангиз турли баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Хўжаликларнинг раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари вакиллари «маблағ йўқ» деган гапни маҳкам ушлаб олишган. Раҳбар уддабурон бўлмагач, хўжаликларда иш юришмаётганидан кейин нимани ҳам кутиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар астойдил жон койитилса, имкониятлар изланса муаммони бемалол ҳал қилиш мумкин. Бироқ, эски касал давом этмоқда. Яъни, мутасаддилар «ҳали вақт бор, пахта охирласинчи, кейин кўрармиз» кабилида иш юритишга одатланишган. Узибўларчилик туфайли ўтган йили Сирдарёдаги 30 дан ортиқ хўжалик бирорта ҳам матбуот нашрларига обуна бўлмаганди. Яна бир мисол: Меҳнатобод ва Мирзаобод туман деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшма қўмиталари жорий йилнинг олти ойидагина «Ишонч» газетасини олишди. Бошланғич ташкилотларга эса севимли нашрлар етиб бормади. Хўш, обунанинг бу йилги аҳволи қандай?

Биз ана шу саволга аниқ жавоб олиш мақсадида вилоят почта хизмати бошқармасида бўлдик. Ташкилий ишлар, натижалар билан батафсил таништик. 26 октябрга қадар Сирдарё бўйича «Халқ сўзи»га 12 та, «Ўзбекистон овози»га 13 та, «Туркистон»га 4 та, «Ишонч» газетасига эса 2 та обуна варақаси расмийлаштирилган холос. Шароф Рашидов, Ховос, Гулистон, Оқолтин, Мирзаобод, Меҳнатобод туманларида бирорта ҳам нашрга обуна қилинмаган. Буни қандай изоҳлаш ва баҳолаш мумкин?

Сирдарёда элим, юртим деб жўшиб ишлаётган ажойиб инсонлар оз эмас. Бозор муаммоларини омилкорлик, билан енгиб, қувончли натижаларни қўлга киритаётган раҳбару мутахассислар ҳам истаганча топилади. Худди ана шундай омилкорлар уйини баҳона қилмай обунани жонлантиришмоқда. Жумладан, Гулистон пахта тозалаш заводи ўтган йили 20 га яқин ишчини ўз ҳисобидан матбуот нашрларига ошно қилган эди. Хайрли иш бу йил ҳам давом эттирилмоқда.

Ғанимат кунлар ўтиб бормоқда. Бироқ, кўриниб турибдики, мазкур вилоятда матбуот нашрларига 1999 йил учун обуна ишлари ўта қониқарсиз бормоқда. Ўринли савол туғилади: Сирдарёда газета ўқишмайдими?

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ҳуқуқий билимлар тарғиботи:

ЕТУК ОЛИМЛАР САФАРБАР

Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги Ҳуқуқий маърифат тарғибот Маркази қандай фаолият юритмоқда

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, турли ижтимоий гуруҳларнинг бу борадаги маданиятини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Чунки оддий фуқаро ўз ҳуқуқини қанчалик яхши билса, мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бораверади. Президентимиз таъбири билан айтганда «Мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш, деган тушунча ётади. Яъни мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини кўриш, балки ўз ҳаёт-мамотини ҳал этишда катта ҳуқуққа эгалик ҳам демакдир».

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги қарорига асосан юқоридаги Марказ ташкил қилинган эди. Ўтган муддат ичида унга биркитилган етук ҳуқуқшунос олимлар муайян юмушларни амалга оширдилар. Марказ директори, юридик фанлари доктори, профессор Зайниддин ИСЛОМОВ билан бўлган мулоқотимиз ҳам шу хусусда.

- Айни чоғда Марказ хузурида республикамизнинг етук ҳуқуқшунос олимлари ва нашриёт ходимларидан, яъни йигирма беш аъзодан иборат илмий оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилган ва унинг низоми ишлаб чиқилган. Шу кунгача Узбекистон Республикаси Президентининг 20 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 116 та қарори ва Олий Мажлис қабул қилган 15 та қонунларга шарҳлар ёзилди. Меҳнат ва ўқув жамоалари ҳамда аҳоли қатламлари ўртасида янги қонунларнинг моҳияти тушунтирилди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Чилонзор, Сергели, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Ҳамза, Шайхонтоҳур туманлари маҳаллалари, мактабларида ва вилоятларда «Узбекистон Республикасида кадрларни тайёрлаш миллий дастури», «Узбекистон Республикаси таълим қонуни» ва бошқа ҳуқуқий соҳалар бўйича маърузалар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Қонун ва меъёрий ҳужжатларни аҳолига етказиш учун Марказ ходимлари ҳамда юридик институти профессор-ўқитувчилари доимий равишда хизмат сафарларида бўлмоқдалар. Масалан, Узбекистон Республикаси «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги қонунини тушунтириш бўйича Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятларда самарали ишлар олиб борилди. Юртбошимизнинг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги фармонини бажариш бўйича вилоятлар ва туманларда амалий кенгашлар ўтказилди. Хоразм вилояти ҳокимлигида мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида «Шартнома ва масъулият» мавзуида давра суҳбати уюштирилди. Амалий ёрдам тариқасида туман ҳокимликлари қошидаги жамоатчилик асосидаги ҳудудий бўлинмалар учун қишлоқ хўжалиги соҳасига оид шартномаларни тузиш ва бажариш тартибини белгиловчи қонунлар, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш юзасидан ўтказиладиган ўқув машғулотлари дастурининг намунаси тузилди.

- Мактаб ўқитувчилари ҳуқуқий таълимини кучайтириш ва уларни услубий жиҳатдан таъминлаш қай аҳволда?

Ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини оширишдаги режаларчи?

- Наманган, Жиззах вилоятларида халқ таълими бўлими билан биргаликда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанининг ўқитилиш ҳолати ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича Янгиқўрғон туманидаги ушбу фан ўқитиладиган 51 та мактабда 72 нафар ўқитувчи дарс ўтар экан. Лекин уларнинг ҳуқуқий билимлар бўйича малакасини ошириш ишлари ташкил этилмагани маълум бўлди. Яъни туман бўйича бултур икки нафар, бу йил бир нафаргина ўқитувчи ўз малакасини ошириб келган. У ҳам бўлса тарих ёки бошқа соҳа мутахассислиги бўйича экан. Шунинг учун мазкур вилоятда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани юзасидан курс ташкил этилди ва унда 29 ўқитувчи малакасини оширди.

Жиззах вилоятида ҳам муайян ишлар қилинди. Жумладан, мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртларида амалиётчи ҳуқуқшунослар билан ташкил қилинган давра суҳбатлари, маърузалар, савол-жавоб кечалари шу йилнинг иккинчи чораги давомида 224тага етди.

Республикада ҳуқуқий таълим ҳолатини янада такомиллаштириш, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида «Таълим» Маркази ҳамкорлигида 1998-1999 йилларда бир қатор тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Андижон вилоятидаги «Ўрта мактабларда давлат ва ҳуқуқ асослари фанини ўқитишни такомиллаштириш вазифалари», Тошкент шаҳрининг 49-мактабида «Ёшлар ўртасида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш» мавзуларидаги тадбирлар шулар жумласидандир.

Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ҳозирги замонга мослаб умумлаштириш, оммабоп адабиётларни, ўқув- услубий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

- Ҳозирги кунга келиб Тошкент давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи» кафедраси томонидан тайёрланган «Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари», «Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими», «Узбекистон давлати ва ҳуқуқ тарихи», «Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи» бўйича ўқув дастурлари нашрга тайёрланди. Марказ қошидаги идоралараро мувофиқлаштирувчи услубий кенгашнинг йиғилишлари ўтказилди. Ушбу мажлисларда каминанинг «Жамият. Давлат. Ҳуқуқ». Юридик фанлари доктори Б.Ибратовнинг «Ижара ва пудрат», доцент С.Бобокуловнинг «Маҳалла мулк ҳуқуқи», профессор М.Усмоновнинг «Қишлоқ хўжалигида ижара», профессор М.Шодиевнинг «Узбекистон миллий тикланиш босқичида», профессор И.Зокиров, М.Баратовларнинг «Узбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати» китобларига илмий-оммабоп мақоми берилди ва нашрга тавсия этилди. Шунингдек Марказнинг «Ҳуқуқий маърифат» деб номланган ахборотномаси чиқарилиб жойларга жўнатилди. Ҳозирги кунда унинг «Экология ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги янги қонунларнинг тарғиботи» номли иккинчи сони нашрдан чиқазилмоқда.

- Ушбу ишларда жамоа бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик йўлга қўйилганми?

- Марказ ва унинг минтақавий бўлимлари аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва савиясини оширишга қаратилган ташкилий-тарғибий ишларни жамоа бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бирга олиб бормоқда. Ўтган йил ноябрь ойидаги «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш вазифалари тўғрисида»ги семинар, шу йил февраль ойидаги Адлия вазирлиги билан «Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари», «Оилажамият таянчи» илмий-амалий конференциялари шулар жумласидандир. Шунингдек июнь ойида Самарқанд, Қарши, Фарғона шаҳарларида суд, прокуратура, ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида бўлиб ўтган минтақавий конференцияларда Республика прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ходимлари «Қишлоқ хўжалиги ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий асослари», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун моҳиятини кенг тушунтириб бердилар. «Тарғибот» муаллифлик ҳуқуқи жамоатчилик маркази билан биргаликда Гулистон, Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида семинарлар ўтказилди.

Суҳбатдош: Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

«Экосан» ва касаба уюшмалари

III. ЭКОЛОГИК ХАВФ НИМАДАН?



Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда санитария ва экологияни яхшилашга хизмат қилади. Шундай экан ушбу қарорни бажариш бўйича жойларда қандай ишлар амалга оширилаётир, деган савол туғилади. «Экосан» халқаро жамғармаси Президенти, профессор Юсуфжон ШОДИМЕТОВ билан бўлган мулоқотимиз ҳам шу ху сусда бўлди.

- Жамғарма томонидан жойларга саломатлик поездлари юборилиб, ногирон ва ёрдамга мухтож оилаларга, шуниндек даволаш ташкилотларига тиббий асбоб-ускуналар, ногиронлар аравачаси, болалар кийимкечаклари, санитария ва гигиена жиҳозлари жўнатилди, деди суҳбатдошимиз. - Фан докторларидан иборат малакали шифокорлар гуруҳи аҳоли орасида санитария-озодалик қоидаларига риоя қилиш, касалликнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бордилар. Жамғарма ташаббуси билан шу йилнинг 1-10 июнь кунлари Республикада санитария, озодалик ва экология маданияти кунлари ўтказилди. Бу тадбир асосида кўчалар, хиёбонлар, иш ва аҳоли яшаш жойлари, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланди, кўчатлар экилди.

Бундан ташқари «ЭКОСАН» жамғармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «СЭС-ЭКОСАН» дастурини ишлаб чиқди. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳашарчиларнинг яшаш жойлари озодалик ҳолати назорат қилинмоқда. Уларнинг экологик маданиятини шакллантириш мақсадида суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

- Республикада давлат-санитария назоратининг аҳамияти ва самарадорлигини ошириш мақсадида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

- Кейинги вақтларда жамғармамизга аҳолидан яшаш жойларида экологик муҳитни соғломлаштиришда ёрдам беришимизни сўраб ёзилган жуда кўплаб хатлар келиб турибди. Жамғарма қошида «тезкор гуруҳ» тузилиб маҳаллий ҳокимият ҳамда аҳоли шикоятига сабаб бўлган ташкилот билан биргаликда уларга ёрдам бериш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, А.Икромов тумани, 22-мавзе 22-уйда яшовчилардан тушган аризада «Фарҳод» бозори билан 22-уй оралиғидаги боғ майдонига шу ерда жойлашган ошхоналарнинг оқава сувлари оқизилаётганлиги сабабли сунъий ботқоқлик ҳосил бўлган. У ерда экологик мувозанат бузилиб, ҳар хил юқумли касалликлар тарқалаётгандиги маълум бўлди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар санитария эпидемиология бош бошқармаси бошлиғи ва туман ҳокими огоҳ этилди. Бир қанча манфаатдор ташкилотлар иштирокида текширув ўтказилди. Натижада йиллар давомида ҳал этилмаётган камчиликка барҳам берилди.

- Жойларда инсон саломатлиги учун ниҳоятда таъсир ўтказувчи пестицидларнинг ишлатилиши, уларнинг сақланиши қандай аҳволда?

- Юқоридаги қарорда кўрсатилганидек, атроф-муҳитнинг ҳолати, аҳолининг санитария-озодалик ва экологик маданиятини ошириш бўйича тадбирлар ўтказилиши учун жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида Тошкент шаҳри, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида қўшма текширишлар ўтказилди. Ушбу текширишлар натижасида Ўрта Чирчиқ туманида пестицидларнинг ишлатилиши, сақланиши ва ташишда «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонуннинг кўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Мазкур иш бўйича Тошкент вилояти ҳокимига, «Узпахтасаноатсотиш» бирлашмасининг раисига, Ўрта Чирчиқ туман ҳокимига хабарнома юборилди ва бу нуқсонни йўқотиш чоралари кўрилди.

- Аҳоли ўртасида олиб борилаётган тадбирлар ва унинг самараси қандай бўлмоқда?

- Бунга Республика бўйлаб жуда юқори даражада ўтказилган «Энг ибратли келинчак» кўрик-танлови мисол бўла олади. Фахрийлар Кенгашининг Фарғона вилоят бўлими ташаббуси билан Фарғонада «ЭКОСАН» боғи ташкил этилди.

«ЭКОСАН» ташаббуси билан «Оила ва экология болалар нигоҳида» мавзуида кўрик-танлов ўтказилмоқда. Мақсад - болаларда табиатдаги ҳар бир нарсага эътиборли бўлиш, қуш ва жониворларга, ўсимлик дунёсига муҳаббатини оширишдан иборатдир.

- Жамғармангизнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ва улар кўрсатаётган ёрдами ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

- Узбекистон учун жаҳондаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар эшиги очиқ. Шу ўринда экологияси оғир бўлган жойларда аҳоли орасида кенг тарқалаётган касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш борасида ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ВОЗ каби халқаро ташкилотларнинг ёрдамини таъкидламоқчиман. Масалан, Чехия Республикасининг Узбекистондаги элчихонаси томонидан топширилган 2 миллион чехия кронига қон таркибидаги касалликларга ташхис қўювчи ускуна олинди. У хайрия сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлигига топширилди.

Яқинда бутун дунёга машҳур бўлган Рим клубининг ташкил топганига 30 йил тўлиши билан жамғармамиз қошида «ЭКОСАН-Тошкент» деб аталувчи клуб аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг аъзолари сафида 23 горижий давлат ишбилармонлари ва эколог олимлари бор.

Касаба уюшмалари ва жамғармамиз олдига қўйилган вазифалар ўзаро уйғунлашиб кетади. Жамғармамиз «Ефмойтамакисаноат» касаба уюшмаси қўмитаси, Узбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси билан ҳамкорликда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» мавзуида кўрик-танлов ўтказди. Бунинг натижасида ишчиларнинг иш шароитлари яхшиланди. Иш вақтида жароҳатланиш ва умумий касалликлар билан ишга чиқмаслик ҳолатлари камайишига эришилди. Саноат чиқиндиси, зарарли чанг ва газ, тозаланмаган оқава сувлар миқдори бирмунча камайди. Дарахтлар экиш, иш жойларини санитария-гигиена қоидаларига мослаш ишлари бажарилди. Бу каби тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Жамғармамиз ҳамда касаба уюшмалари мақсади-инсонга ғамхўрлик, саломатлигини сақлаш, экологик вазиятни барқарорлаштиришдан иборатдир. Ана шундай ҳамжиҳатликда ишлаш республикамиз ижтимоий-экологик аҳволини яхшилашга, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга олиб келаётир.

Суҳбатдош: Ҳамид СУЛАЙМОНОВ.

Андижон балиқчиликка ихтисослашган ҳиссадорлик жамияти ҳар йили эл дастурхонига 800 тоннадан ортиқ балиқ етказиб беради. Айни кунда балиқ овлаш қизғин бормоқда. Бу ерда етиштирилган дўнгпешона, сазан, амур, қора дўнгпешона зотли балиқларга харидорлар кўп.

Суратда: Участка бошлиғи Муроджон Ўринов ва ишчи Каримжон Абдуллаевлар.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ПАХТАДАН МЎМАЙ ДАРОМАД

Пешку туманидаги Зандани қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 9 та деҳқон хўжаликлари 21,4 гектар ерга чигит экқан эдилар. Фидойилар ваъдаларига вафо қилдилар.

Шукрулла Маҳмудов раҳбар бўлган «Маҳмудобод» деҳқон хўжалиги пахтакорлари биринчи нав пахта тайёрлаб, энг юқори натижага эришдилар. Уларнинг 3 гектар пахта майдонида ҳали ҳосил кўп. Шу боис ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнерга етказиш учун теримни давом эттирмоқдалар.

«Нор Гадой», «Бафо Сано», «Ражаб Ориф» деҳқон хўжаликларида ҳам ҳар гектар ердан олинган ҳосил 42-48 центнердан ошиб кетди.

С. ҚОДИРОВ.

Мухбир муаммони кўндаланг қўяди

ЯХШИЯМКИ БАЛИҚ, ГАПИРМАЙДИ

Арнасой қўллар тизими Қизилқум саҳроси бағрида пайдо бўлганига яқинда 30 йил тўлади. 1969 йилги серёғин қишда Қозоғистоннинг Чордара сув омбори тошиб, чўлга оққан ва ўшанда ерости сизот ҳамда оқава сувлар йиғилишидан чўлда мавжуд бўлган Арнасой, Тузкон, Айдар кўллари бирлашиб, катта кўлга айланган эди. Унинг умумий сатҳи ўша пайтда 184 минг гектарга кенгайганди. Ҳар йили Чордарадан сув қўшилавериб, бугунги кунда у 400 минг гектардан ошди.

Арнасойнинг пайдо бўлиши республика балиқчилик саноатида катта хом ашё захирасини яратди. Ундан дастлабки пайтларда унумли фойдаланилди десак, хато бўлмайди. Энг кўп балиқ тутилган 1983 йилда эса эл дастурхонига 3350 тонна луқмаи ҳалол етказиб берилган эди.

Ундан кейинги йилларда тизим сатҳи кенгайиб, балиқ захиралари анча кўпайганига қарамай, бултур 800 тоннага яқин балиқ тутилган бўлса, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса, бор-йўғи 360 тонна балиқ тутилди, холос. «Жиззахбалиқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўйича йиллик режа 760 тонна қилиб белгиланганлиги назарда тутилса, бу кўрсаткич келгуси йилларда минг тоннага етишига кўзингиз етмайди.

Ваҳоланки, республика Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари тизимда балиқчилик маҳсулдорлигини ошириш ва ундан самарали фойдаланиш ҳақида 1984 йилдаёқ ишлаб чиққан тавсияларида бу йил Арнасойда камида 3,5 минг тонна балиқ тутилиши белгиланган эди.

- Афсуски, қоғоздаги тадбирлар билан амалдаги ишлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бўлиши мумкин экан.

Хўш, тизимда балиқ овлашнега камайиб бормоқда? Нима учун балиқ маҳсулотларига аҳоли эҳтиёжи ошиб бораётган бир пайтда бу соҳага эътибор сусаймоқда?

Аввало, гапни «Жиззахбалиқ»нинг маъмурий идораси балиқчилар ишлайдиган ҳудуддан 80 километр узоқда-Жиззах шаҳрида жойлашганлигидан бошласак. Баъзи бригадалардан эса хатто 140-150 километр олисдалиги ҳисобга олинса, қандай қилиб балиқчилар ишини мунтазам назорат қилиб, уларнинг меҳнат, турмуш шароитларини яхшилашга ёрдам бериш мумкин?

Бундан ўн-ўн беш йиллар аввал маъмурий идора балиқчиларнинг кўл бўйида қурилган «Наврўз» шаҳарчасида жойлашганлиги сабабли тутилаётган балиқ миқдори ҳам анча кўп эди. Балиқчилар вилоятнинг Жиззах, Пахтакор, Дўстлик, Гагарин каби шаҳарлари ва туман марказларида кўплаб тирик балиқ сотардиган Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси билан ҳамкорликда «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» мавзуида кўрик-танлов ўтказди. Бунинг натижасида ишчиларнинг иш шароитлари яхшиланди. Иш вақтида жароҳатланиш ва умумий касалликлар билан ишга чиқмаслик ҳолатлари камайишига эришилди. Саноат чиқиндиси, зарарли чанг ва газ, тозаланмаган оқава сувлар миқдори бирмунча камайди. Дарахтлар экиш, иш жойларини санитария-гигиена қоидаларига мослаш ишлари бажарилди. Бу каби тадбирлар бундан кейин ҳам давом эттирилади. Жамғармамиз ҳамда касаба уюшмалари мақсади-инсонга ғамхўрлик, саломатлигини сақлаш, экологик вазиятни барқарорлаштиришдан иборатдир. Ана шундай ҳамжиҳатликда ишлаш республикамиз ижтимоий-экологик аҳволини яхшилашга, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга олиб келаётир.

Суҳбатдош: Ҳамид СУЛАЙМОНОВ.

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

Агросаноат мажмуи касаба уюшмалари Навоий вилоят қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган раёсат йиғилиши аҳолини ижтимоий ҳимоялашга бағишланди. Унда Қизилтепа туман касаба уюшмалари қўмитасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва жамоа шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги масала кўрилди.

Раёсат йиғилишида фермер хўжаликларини касаба уюшмалари тасарруфига киритиш, унинг аъзолари ер олиб, шахсий хўжалик юритиши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ.

МУҲТОЖЛАРГА МУРУВВАТ

Касби туманидаги «Пахтакор» жамоа-ширкат хўжалигида 8 мингга яқин аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг 95 фоизи табиий газ, 80 фоизи ичимлик суви билан таъминланган.

Хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси раҳбарият билан ҳамкорликда кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бермоқда. Айни чоғда хўжаликда истиқомат қилаётган 11 нафар ёлғиз, 192 нафар етим-есир, 86 нафар меҳнат ногиронлар ҳам меҳр оғушида.

Қишлоқдаги 100 ёшни қаршилаган Жумагул момо Бердиева, 90 ёшли Муртазо ва Назар бобо Ҳамроевлар, Кенжа бобо Эшонқулов сингари нуронийлар миннатдор эканликларини баён этишмоқда.

Қишлоқ аҳли учун барча қулайликлар яратилганлиги хўжалик ишларининг муваффақиятини таъминламоқда. Ҳозиргача қишлоқнинг 12 километр ички йўллари асфалтланди. 10 дан ортиқ тегирмон аҳоли хизматида. 2800 нафар ўқувчи таълим олаётган 3 та мактаб, 2 та болалар боғчасида ҳам барча имкониятлар яратилган.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Қонун ижроси билан кучли

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Кўқон шаҳри деганда республикамизнинг маданий-маърифий ўчоқларидан бири бўлган, ўз бағрида кўплаб машҳур адиблар, шоиру санъаткорларни етиштирган файзли маскан кўз ўнгимизда гавдаланади. Шунингдек, аждодларимиз заковати ила қурилган меъморчилик обидалари, мустақиллик йилларида қад ростлаган маҳобатли бинолар, мафтункор хиёбонлар, файзли кўчалар бир-бир тасаввурингиздан ўтади.

Кўқон кўчаларини айланар эканмиз, хурсандчилигимизга соя ташлаган баъзи ҳолатларга ҳам дуч келдик. Сиз суратда кўриб турган ушбу кўчалар, ташкилотларнинг номларини темир йўл вокзали ёнгинасида жойлашган ҳудудларда учратдик. Кишини ҳафа қиладиган жойи шуки, ҳатто Россиянинг ўзида Ленинград шаҳри - Санкт-Петербург дея қайта номланган бўлсаю, бизда шуро давридан қолган номларни ўзгартириш ишига масъулиятсизлик, совуққонлик билан ёндошилса. Ахир Узбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 22-моддасида «Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилади» деб аниқ равшан ёзиб қўйилганку! Боз устига мазкур қонуннинг ижроси таъминланмас экан, ёркин режаларимизга, мақсадларимизга эришишимиз мушкул.

Сўнгги суратга эътибор қилинг. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли идора пешлавҳаси русча-узбекча сўзлар қориштириб ёзилган. Имло хатолари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Бундай кўнгилсиз ҳол нахотки мазкур идора раҳбару ходимлари, қолаверса, унга кўзи тушганларнинг ғурурига тегмаса? Ута муҳим масалага, қонун ижросига қачонгача масъулиятсизлик билан ёндашилади? Бу саволга таҳририят мутасадди ташкилотлардан жавоб кутади.

Абдунаби МАННОПОВ, «Ишонч» махсус мухбири. Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.



TV

ДУШАНБА 2

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ер васфи». М. Иброҳимов.
9.30 «Жаҳон спорти».
9.40 «Олтин тож». Телеўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
12.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси мақомчилар ансамблининг концерти.
12.55 «Оила» тележурнали.
13.20 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10–14.30 «Табиат алифбоси».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ов». Мультфильм.
18.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.45 «Олам ва одам».
19.00 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Қорақум йўлбарси». 1-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
22.00 «Сиёсат оламида».
22.25 «Маънавият» дастури.
23.15 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25–00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ким эпчил-у, ким чаққон?» Мультомоша).
18.35 «Ақл ёшдамас».
18.50 «Ёшлар куйлаганда».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нигоҳ». ТВ ва ёшлар.
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 Эгиз қўшиқлар.
21.15 «Маслаҳат». Ёш келин-куёвлар ҳаётидан.
21.35 Араб эстрадаси.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема.
23.50 Спорт-қитъаси.
00.15 Хайрли тун!

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Мухлис — ТВ.
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Дарсга қўнғироқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 Телефакт.
22.10 Спорт-тайм.
22.40 «Даракчи».
22.50 ТТVнинг тунги меҳмони. «Кабаре» дуэт академияси.
23.20 Минг бир ҳикмат.
23.25 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Саргузашт фильмлар экрани.
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 Душанба куни Познер билан. «Давр ва биз» дастури.
19.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 122-қисм.
22.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Вақт хазинасидан».
22.40 «Шлягер».
23.00 «Вести».
23.30 «Замонавий дизайн».
23.50 «Ахборот» (рус тилида).
00.15 Тунги сеанс: «Икки шаҳар қиссаси». Бадиий фильм.
01.45–01.50 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
Соат 15.00га қадар линияда профилактика.
15.05, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал (Бразилия).
16.00 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал (АҚШ).
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).
19.30 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.35 «Юлдузлар чарақлаган душанба».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ
6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.00 — Янгиликлар.
9.20, 16.55 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.
10.20 «Сиҳат-саломатлик».
10.50 «Мўъжизалар майдони».
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 Олтин серия. «Малиновкада тўй». Мусиқий комедия.
15.15 «Синдбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.55 «Юлдузли онлар».
16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 Душанба куни Познер билан. «Давр ва биз» дастури.
19.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Тоғлик». Саргузашт сериал.
22.45 А. Любимовнинг «Нигоҳ» дастури.
23.40 «Кино чизиғи». Александр Баширов фильмининг премьераси.

ҚозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
16.45 «Хит-парад».
16.55 «Жумабой Медетбоев ижро этади». Фильм-концерт.
17.20 «Қозоғистон-2030».
17.30 «Гутен абенд!» Немис таҳририятининг кўрсатуви.
17.55 «Ютуқ» салони.
18.00 «Сокин сувлар». Телесериал.
19.00 «Бола тилидан».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.50 Спорт янгиликлари.
21.55 «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.
23.20 «Ютуқ» салони.

СЕШАНБА 3

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистонда куз».
8.55 «Лирик тароналар».
9.20 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Буни умр дерлар».
10.55 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
11.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.30 Кундузги сеанс. «Парийларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
13.40 — 14.00 «Шоирлар — болаларга».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.30 «Нуқтаи назар».
18.45 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Султонлик машаққати». 2-қисм.
19.05 «Ҳамкорлик ва тараққиёт».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Минг бир воқеа».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.00 «Мавзу». Маърифий кўрсатув.
22.40 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
23.25 «Ахборот».
23.55–24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Уй вазифаси», Мультомоша).
18.35 «Юксалиш».
18.50 «Куйла, ёшлик».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ғазал соғинчи».
19.40, 20.30, 22.40 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Буюк ипак йўлларида».
20.55 «Меҳр кўзда». Қашқадарё вилоятидан тайёрланган.
21.15 «Марду-майдон».
21.35 Болливудга нигоҳ.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Шарқ эстрадаси.
22.45 Синема. «Аэроплан».
00.15 Спорт-қитъаси.
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ IIII
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Таянч».
22.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
22.30 «Бешинчи ўлчов».
22.50 «Даракчи».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Кинонигоҳ.
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 123-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Подиум».
22.45 «Телешифокор».
23.00 «Вести».
23.30 «Моҳир».
23.45 «Ахборот» (рус тилида).
00.10 Тунги сеанс: «Оқ халатли мафия». Бадиий фильм (Италия).
01.45–01.50 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Тропик жазирама». Телесериал (АҚШ).
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал (Бразилия).
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Кино оламида». Ахборот-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).
17.15 «Карапуз-ТВ»
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.35 «Оилавий кино».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ
6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.15 — Янгиликлар.
9.20, 16.55 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.
10.20 А. Любимовнинг «Нигоҳ» дастури.
11.20 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Чаён белгиси остида» сериалида Горький ҳаёти ва ўлимининг сири. 1-серия.
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультсериал.
15.15 «Синдбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.45 «Бахтли тасодиф».
16.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Куйини топинг».
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Елена Майорова, Зиновий Гердт ва Валентин Гафт «Сибирда қолиб кетган ғариблар» фильмида.
23.40 «Парижда русча зиёфат». Эльдар Рязановнинг муаллифлик дастури.

ҚозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
16.55 «Хит-парад».
17.00 «Торо». Қисқа метражли фильм.
17.25 Концерт.
17.55 «Ютуқ» салони.
18.00 «Сокин сувлар». Телесериал.
19.00 «Бола тилидан».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.50 Спорт янгиликлари.
21.55 «Келинлар кўзғолони». Бадиий фильм.
23.10 «Ютуқ» салони.

ЧОРШАНБА 4

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
8.50 «Мураббий». Спорт дастури.
9.05 «Озод, обод юрт».
9.20 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Акс садо».
11.30 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
12.05 «Трям-салом». Мультфильм.
12.15 «Мактублар-кабутарлар».
12.45 Кундузги сеанс: «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
14.10–14.25 «Мунаввар даргоҳ».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.30 «Ранглар жилоси».
18.45 «Қишлоқ ҳаёти».
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Тақдир сўқмоқлари». 3-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Вазият».
21.25 «Санъаткор саодати». Мусиқий дастур.
22.00 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм премьераси. 3-қисм.
«Тунги ҳамроҳ»:
22.40 «Болалигим сени соғиндим».
23.00 «Муҳаббат қиссаси». Теленовелла.
23.35 «Дастурхон нонга тўлсин».
* * *
23.55 «Ахборот».
00.25 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.55–01.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Ўйна болажон, ўйна», Мультомоша).
18.40 «Ўзбекистон немис талабалари нигоҳида».
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ракурс».
19.50 Танишинг: «Нола» гуруҳи.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.25 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.50 «Минг бир маслаҳат».
21.00 «02» тўлқинида.
21.15 «Спектаклдан сўнг».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 Ёшлик куйлайди.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги.
24.00 Шу куннинг мавзуси.
00.20 Хит-коллекция.
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мультўплам.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 Ривоят.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
20.20 «Севги рақси». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Менинг Тошкентим!». Муаллифлик кўрсатуви.
22.20 «Даракчи».
22.30 «Бенифис». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г. Мустафин.
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Видео—«О».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.50 «Тиғиз пайт».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.50 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири (якунловчи серия).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 124-қисм.
22.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Ҳаёт карвони».
22.40 «Дурдаршан».
23.00 «Вести».
23.30 «Шоҳсупа сари йўл».
23.45 «Ахборот» (рус тилида).
00.10 Тунги сеанс: «Эркак ва аёл». Бадиий фильм (Франция).
01.45–01.50 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Тропик жазирама». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Даракчи». Мусиқий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Тасодифий гувоҳ». Ҳужжатли сериал.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.30 «REN TV синематикаси».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ
6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.10 — Янгиликлар.
9.20, 16.55 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.
10.20 «Мавзу».
11.15 «Ҳайвонот оламида».
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Чаён белгиси остида». 2-серия.
14.05 «Оламга саёҳат».
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультсериал.
15.15 «Синдбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.45 «Чангалзорлар даъвати».
16.05 Болалар учун латифалар.
16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 «Куйини топинг».
18.50 «Тиғиз пайт».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.50 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири. Якунловчи серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Ёш йигитнинг катта қизи «Келиннинг отаси-2» комедиясида.
23.40 Ҳужжатли детектив. «Хусусий эълон бўйича қотиллик» (1997 йилги иш).

ҚозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
16.50 «Хит-парад».
17.00 Телефильм.
17.30 Мультфильм.
17.45 «Қозоғистон-2030».
17.55 «Ютуқ» салони.
18.00 «Сокин сувлар». Телесериал.
19.00 «Бола тилидан».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.50 Спорт янгиликлари.
21.55 «Эркакларни асранг». Бадиий фильм.
23.10 «Ютуқ» салони.

ПАЙШАНБА 5

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
9.00 «Хўжалик ва ҳуқуқ».
9.20 Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган «Олапар». Видеофильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Теран томирлар».
10.30 «Маърифат маскани».
10.50 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
11.10 «Жараён».
11.30 «Севимли даргоҳ».
12.05 «Ёртикулоқ ва ялқовлар». Мультфильм.
12.15 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.45 Кундузги сеанс. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
14.10–14.30 «Оила ва жамият».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назорат».
21.20 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дастур.
22.15 «Эътироф». ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор билан суҳбат.
22.40 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
23.00 **«Сомон йўли».**
23.45 «Ахборот».
00.15 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.45–00.50 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Қувноқ учрашув», Мультомоша).
18.35 «Қуш тили».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Ёшлик наволари.
19.35, 20.25, 22.25 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Мезон».
20.50 Шарқ эстрадаси.
21.05 «Одамлар орасида».
21.30 Мусиқий клип-антракт.
21.40 «Ёшлар» телеканалида.
21.45 Сиз севган хонанда: Кумуш Раззоқова.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. Чемпионлар лигаси.
24.00 «Дойче Велле» тақдим этади...
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мультўплам.
18.20 «Тошкент ва тошкентликлар».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Дилором наволар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.50 «Худуд «М». Ёшлар дастури.
22.10 «Кўзгу».
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 «Видео—«О».
00.25 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.50 «Тиғиз пайт».
19.10 «Йўқотилганларни излаб». Татьяна Пельтцер. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
19.50 Аркадий Райкин «Санъатнинг сеҳрли қудрати» комедиясида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 125-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «02» тўлқинида.
22.40 «Спорт клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси». Жульетта Мазина.
23.50 Кинематограф: Ф. Феллинининг «Кабирия тунлари» фильми. Бош ролда: Жульетта Мазина.
01.35 «Ахборот» (рус тилида).
02.00 Тунги сеанс: «Қумтепа». (Ўзбекфильм).
03.15–03.20 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Тропик жазирама». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.15 «Хит-коктейль».
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Ижод гулшани». Адабий-маърифий дастур.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ»
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.45 «Қора марварид». Телесериал.
19.30 «Альфред Хичкок таништиради...». Детектив сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.30 «Қўнғироқ қилатуриб, томоша қил».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».
00.50 Тунги мусиқий канал.

РЖТ
6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.30 — Янгиликлар.
9.20, 16.55 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.
10.20 «Инсон ва қонун».
11.05 «Саёҳатчилар клуби».
11.50 «Хонаки кутубхона».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Чаён белгиси остида». 3-серия.
14.05 «Оламга саёҳат».
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультсериал.
15.15 «Синдбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.
15.45 «Қойилмақом давра».
16.05 «Ақллилар ва оқилалар».
16.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.20 «Бу эрмак жониворлар». Телеўйин.
18.50 «Тиғиз пайт».
19.10 «Йўқотилганларни излаб». Татьяна Пельтцер. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
19.50 Аркадий Райкин «Санъатнинг сеҳрли кучи» комедиясида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Марина Неелова ва Александр Збруев «Сен менинг ёлғизимсан» фильмида.
23.35 «КВН-ассорти».
24.00 Сергей Шолоховнинг «Осойишта уй» дастури.

ҚозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
* * *
16.50 «Хит-парад».
17.00 Мультфильм.
17.05 Телефильм.
17.35 Космонавт Тохтар Аубакиров.
17.55 «Ютуқ» салони.
18.00 «Сокин сувлар». Телесериал.
18.55 «Бола тилидан».
19.25 «Йўлдаги қайдлар».
19.50 «Бланкасиз дориномалар».
20.00 «Даллас». Телесериал.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 Спорт янгиликлари.
21.45 «ИИВ хабар беради...».
22.00 «Акам учун қайлиқ». Бадиий фильм.
23.05 «Ютуқ» салони.

ЖУМА 6

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Рақслар гулдастаси». Мусиқий дастур.
8.50 «Кетмас давлат берсин».
9.15 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
9.35 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Инсон—ҳаёт гултожи».
10.55 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
11.05 «Ботма, қуёш». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 «Соғинчли салом».
12.25 Кундузги сеанс: «Кўк қуш». Бадиий фильм.
14.10–14.30 «Оламни асранг».
* * *
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Навбаҳор». «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
17.50 Янгиликлар.
18.00 «Омад юлдузи». Телеўйин.
18.25 «Ислоҳот ва масъулият».
18.45 «Битик».
19.05 Эстрада хонандалари куйлайди.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Маърифатнома».
21.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Амир Темур ва Тўхтамишхон» фильм-спектакли премьераси.
23.15 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
23.45 «Азиз сиймолар».
00.05 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.50–00.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Умид чечаклари», Мультомоша).
18.35 «Ислом ва ёшлар».
18.50 «Ўйна, гулим ўйна».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.25 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Ҳамкорлик».
20.45 «Бизнес доктор».
21.15 Мусиқий лаҳзалар.
21.20 «Автосалтанат».
21.30 «Интерспорт».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. Кубок эгалари кубоги.
24.00 Араб эстрадаси.
00.15 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мультўплам.
18.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.00 «Адабий иқлим».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Яхши кайфият».
22.20 Жума оқшомида.
22.40 «Даракчи».
22.50 «Умр дафтари». Кинокўрсатув.
23.10 Спорт оламида.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 «Кинонигоҳ».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30–9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10-18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 126-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Билимлар олами».
22.40 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 «Ялангоёқ графиня». (1952 йил). Бадиий фильм (АҚШ).
01.50 «Ахборот» (рус тилида).
02.15 Тунги сеанс: «Оқшом чоғи аршуаълода». (Австралия).
03.45-03.50 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
8.30 «Табассум-ла ярим соат».
9.00 «Кинононушта».
10.30 «Тропик жазирама». Саргузашт телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Ҳаёт чизиғи». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Олов ғилдираги». Телесериал.
16.00 «Висол». Мусиқий дастур.
16.30 «Нано». Телесериал.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.30 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телесериал.
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал (АҚШ).
19.10 «Майк Хаммер — хусусий детектив». Сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.30 «Ҳафта фильми».
23.15 Телесериал.
24.00 «Бойўғлига навбат».

РЖТ
6.00 «Хайрли тонг!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 01.20 — Янгиликлар.
9.20, 16.55 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.
10.20 В. Познернинг «Ниқобдаги киши» дастури.
11.00 «Йўқотилганларни излаб». Татьяна Пельтцер. Кўрсатувни Г. Скороходов олиб боради.
11.40 «Смак».
12.15 «Биргалашиб» дастури.
13.00 «Чаён белгиси остида». 4-серия (якунловчи).
14.05 «Оламга саёҳат».
14.50 «Хонаки кутубхона».
15.15 «Ўт келса ўтиб, сув келса кесиб...». Фильм-эртак.
18.15 «Жентльмен-шоу».
18.45 «Янгра, гармонь!».
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Буюк изқуварлар: Мисс Марпл Агата Кристининг «Диндор уйидаги қотиллик» детективида.
23.35 Тунги кинозал. Пирс Броснан «Худолар қаҳри» саргузашт фильмида.

ҚозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
7.00 «ИИВ хабар беради...».
* * *
16.50 Телефильм.
17.05 Бизнес-дастур.
17.25 «Каре сарам». Корейс таҳририятининг кўрсатуви.
17.55 «Ютуқ» салони.
18.00 «Комиссар аёл». Телесериал.
18.50 Мультфильм.
19.00 «Бола тилидан».
19.35 «Юртдошлар».
20.05 Концерт.
20.30 «Аёлмисан, аёл». Ток-шоу.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Мусиқий саёҳат».
22.25 «Соя билан жанг». Спорт дастури.
22.40 «Шамчироқ».

ШАНБА 7

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Ҳазрати Инсон».
9.20 «Мозийдан бир мўъжиза».
«Умид» намойиш этади:
9.35 «Янги авлод».
9.55 «Менга сўз беринг».
10.55 «Орзулар қанотида».
11.15 «Очиқ дарс».
*
11.35 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
12.00 «Шоҳруҳ» клуби.
12.20 «Озод юрт одамлари».
12.40 «Ўйла, изла, топ». Телемусобақа.
13.25 «Маржон». Телевизион клуб.
14.05 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Зарафшон».
15.15–15.55 «Ҳаёт рисоласи».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.45 «Санъат олами».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.10 «Мусиқий саёҳат».
22.25 «Кўрсатув тайёрлаш машаққатлари». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот».
00.35 Бокс бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал учрашуви.
01.30–01.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («У ким, бу нима?», Қувноқ учрашув).
9.35 «Тақдим».
9.55 «Нигоҳ». ТВ ва ёшлар.
10.10 «Ракурс».
10.35 «Ёшлар куйлаганда».
10.45 «Агарда сиз...».
11.00 «Спектаклдан сўнг...».
11.20 Танишинг: «Анор» гуруҳи.
11.30 Ринг.
11.50 Бизнес доктор.
12.20 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.05 «Ғазал соғинчи».
13.20 «Эгиз қўшиқлар».
13.40 «Буюк ипак йўлларида».
14.00 Мусиқий лаҳзалар.
14.10 «Синбод». Телесериал.
14.55 А. Алимбоев. Оғзаки ҳикоялар.
15.10 «Сенинг вақтинг».
15.30 «Синема».
17.00 Шу куннинг мавзуси.
17.20 Хит-коллекция.
17.35 Спорт-қитъаси.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Боланинг тили», Мультомоша).
18.40 Телескоп.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Равнақ».
19.40, 20.30, 22.55 — Эълонлар.
19.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.35 Баҳс, мунозара, таҳлил.
20.50 «Сир».
21.05 «Ёшлар» телеканалида.
21.10 «Интер-футбол».
21.30 «Йирик планда». Брюс Ли.
21.50 «Мусиқий хиёбон».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
23.00 Синема. «Аждаҳо ороли». Бош ролда Брюс Ли.
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ III
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ерилтош». Мультўплам.
8.20 «Мисли гавҳар».
8.35 «Таянч».
8.55 Дилором наволар.
9.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.50 «ТВ ва театр».
10.10 Болажонлар экрани.
11.50 «Ҳамшаҳарлар».
12.20 «Бева Бланка». Телесериал.
13.05–13.30 «Ёввойи табиат».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мультўплам.
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 Гиннес-шоу.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Янги ой чиққан кеча».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Муаллиф».
22.25 «TTV мюзик».
22.55 «Хобби-холл».
23.10 «Даракчи».
23.20 Эълонлар ва оҳанглар.
23.25 «Кинонигоҳ».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси». Жульетта Мазина.
9.25 Ф. Феллинининг «Кабирия тунлари» фильми. Бош ролда Жульетта Мазина.
11.10 «Байяр қасри калитлари». Телеўйин.
12.40 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
13.10–13.30 «Дидар».
***
17.10-18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.10 «Бу Хитой».
19.25 «Тасвир-98».
19.40 «Бенни Хилл».
20.00 «Алломаларнинг юбилейи».
20.15 «Биргаликда куйлаймиз».
*
Россия жамоат телевидениеси
*
21.00 «Время».
21.40 «КВН-98». Ярим финал.
*
23.50 «Ахборот» (рус тилида).
00.15 Тунги сеанс: «Ошиқ эркак». Бош ролда Жерар Депардье, Грета Скачи. (Франция—Италия).
01.50–01.55 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
8.05 Ҳужжатли кино.
9.00, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.50 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 «Болалар канали».
10.00 «Киноэртаклар».
11.20 «Лэсси». Болалар учун сериал.
12.00 «Туш кино».
14.10 Дам олиш кунлари детектив. «Экстрадиция». Телесериал (Польша).
15.00 «Ҳинд киноси».
17.15 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да». Спорт дастури.
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.10 «Майк Хаммер — хусусий детектив». Сериал.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 «1/52». Спорт шарҳи.
21.25 Мунажжимлар башорати.
21.30, 23.15 — «30-каналда шанба кинооқшоми».
01.00 «М. Э. Ш. госпиталидаги бошоғриқ хизмат». Ҳажвий сериал (АҚШ).

РЖТ
7.00 «Хайрли тонг!».
9.45 «Руҳоний сўзи». Митрополит Кирилл.
10.00, 15.00, 18.00, 02.10 — Янгиликлар.
10.15 Валерий Золотухин «Пакет» инқилобий комедиясида.
11.30 «Тонгги почта» Юрий Николаев билан.
12.05 «Смак».
12.25 Никита Михалков. «Рус живописи оҳанглари».
12.55 Мультфильм.
13.15 «Барбод бўлган экспедиция». Саргузашт киносериал. 1-серия.
15.15 Лайма Вайкуле, Валерий Леонтьев, Ирина Аллегрова ва бошқалар «Игорь Крутой қўшиқлари» концертида. 1-қисм.
17.15 Бу қандай бўлган эди? «Февралдан октябргача. Инқилобчилар авлодлари».
18.20 «Аралаш-қуралаш» журналида қувноқ воқеалар.
18.40 Олтин серия. «Сахронинг оппоқ қуёши». Машҳур фильм ва унинг тарихи.
21.00 «Время».
21.40 «КВН-98». Ярим финал.
23.45 Ив Монтан «Қўрқувга товон» рангли триллерининг талқинида.

ҚозТВ
9.00 Концерт.
9.20 «Иймон».
9.55 «Талабалар саҳнасида».
10.15 Мультфильм.
10.25 «Сиҳат-саломатлик».
* * *
16.55 «Ютуқ» салони.
17.10 Бадиий фильм.
18.00 «Умр — оқар дарё».
18.25 «Сифат».
18.45 Мультфильм.
19.00 «Нуржан оқин».
19.30 «Эн-шашу».
19.55 «Камтарлик — ҳусн».
20.20 «Профи-тайм».
20.40 Ҳужжатли фильм.
21.00 «Оқшом». Ахборот кўрсатуви.
21.40 «Ҳаммаси мусиқа ҳақида».
21.55 «Профи-шахс».
22.15 «Тенбил-доп».
22.30 «Шамчироқ».

ЯКШАНБА 8

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Куйла, ёшлигим».
«Умид» намойиш этади:
9.40 «Талабалик йилларим».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Табассум кўчаларида. «Маликанинг орзуси».
12.00 «Ўхшаш чеҳралар».
*
12.40 «Саҳна ҳаёти».
13.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.40 Кундузги сеанс: «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
15.10 «Ҳаёт чашмалари».
15.30–16.00 «Нурли келажак».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Бизни кутар нурли манзиллар».
18.40 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.50 Телевизион миниатюралар театри.
22.25 «ТВ-1» намойиш этади. Телеанонс.
22.40 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.55 Кино янгиликлари.
23.10 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.30 «Принцлар оиласининг шаъни». Бадиий фильм. 1, 2 сериялар.
02.30–02.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ким эпчил-у, ким чаққон?», «Уй вазифаси»).
9.35 Сиз севган хонанда: Кумуш Раззоқова.
9.50 «Меҳр кўзда». Қашқадарё вилоятидан тайёрланган.
10.10 «Лаззат».
10.25 «Цирк, цирк, цирк».
10.55 «Буни «кино» дейдилар...». Телесериал.
11.20 «Маслаҳат».
11.40 «Юлдузлар тахти».
12.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.10 «Болливудга нигоҳ».
13.25 Интер футбол.
14.05 Араб эстрадаси.
14.20 Жаҳон жуғрофияси.
15.10 «Одамлар орасида».
15.35 «Синбод». Телесериал.
16.20 «Ўзбекистон қанотлари».
16.30 Буржлар башорати.
17.30 «Шабнам».
17.40 «Дунё ҳафта ичида».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эртаклар олами», Мультомоша).
18.35 Жаҳон халқлари эстрадаси.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Мусиқий коктейль.
19.35, 20.25, 22.50 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ».
20.40 Изҳор: Ғиёс Бойтоев.
21.00 «Бари ҳазил».
21.10 Дастхат: Муҳриддин Ҳолиқов.
21.35 Миллионлар ўйини.
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Мусиқий клип-антракт.
22.30 «Кинопрофи».
22.55 Синема. «Муаққат оила». Комедия.
00.25 Хайрли тун!

ЎзТВ III
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Мультжумбоқ». Телевизион ўйин.
8.25 Дилором наволар.
8.35 «Таманно».
8.50 Хориж ҳангомаси.
9.00 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.45 «Фаолият».
10.00 «Талабаларга биноан».
10.10 «Бева Бланка». Телесериал.
10.55 «Худуд «М».
11.15–13.00 Такрорий фильмлар экрани.
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Кичкина деманг...».
18.35 Дилором наволар.
18.45 «Латифа».
19.00 «Дурдона».
19.10 Мухлис-ТВ.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Мусиқий майдонча».
20.25 «Минг бир ҳикмат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Жавоҳирлар соҳили».
22.15 «Бир ҳамдард истар кўнгил».
22.40 «Даракчи».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV
9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?».
10.45 «Бу ажиб дунё».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Ялангоёқ графиня». (1952 йил). Бадиий фильм. (АҚШ).
13.30 «Табиат билан танишув».
13.40–14.00 «Рангинкамон».
* * *
17.10–18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Жонли сайёра».
19.15 «Мюзик холл».
19.40 «Хорманг, уста».
*
Россия жамоат телевидениеси.
19.55 Михаил Задорновнинг ҳажв кечаси. Премьера.
20.55 Киноафиша.
21.00 «Время».
*
21.35 «Мусиқий олимп».
22.05 «Сояда 92 даража». Бадиий фильм (АҚШ).
23.35 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.05 Якшанба кинозали: «Тубанлик». Бадиий фильм. (Хитой).
01.35–01.40 Тунингиз осуда бўлсин!

30-канал
8.05 Ҳужжатли кино.
9.00, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.55 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
9.25 «Болалар канали».
10.00 «Киноэртаклар».
11.20 «Лэсси». Болалар учун сериал.
11.45 «Ўйинчоқлар уйи». Компьютер ўйинлари ҳаваскорлари учун дастур.
12.00 «Тушки кино».
14.10 Дам олиш кунлари детектив. «Экстрадиция». Телесериал.
15.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
17.00 «Мускаймоқ». Мусиқий-дам олиш дастури.
17.15 «Шоу соати».
18.20 «Пляж». Саргузашт сериал.
19.10 «Маҳфий ҳужжатлар». Сериал (АҚШ).
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 «Висол». Мусиқий дастур.
21.30, 23.15 — «30-каналда якшанба кинооқшоми».
01.05 «М. Э. Ш. госпиталидаги бошоғриқ хизмат». Ҳажвий сериал.

РЖТ
8.00 «Ханжар». Саргузашт фильм.
10.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.
10.15 Дм. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.35 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 «Тонг юлдузи».
12.00 «Армия дўкони».
12.30 Алла Пугачёва «Кулги панорамаси» ҳузурида меҳмонда. Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
13.20 «Барбод бўлган экспедиция». Саргузашт киносериал. 2-серия.
14.25 «Қутқариш хизмати» дастурида асл йигитлар, чиндан содир бўлган воқеалар.
15.15 «Игорь Крутой қўшиқлари». Концерт. 2-қисм.
17.20 «Ҳайвонот оламида».
18.20 «Қишлоқ детективи»да терговни участка бошлиғи Жаров олиб боради.
19.55 Михаил Задорновнинг ижодий кечаси. Премьера.
20.55 «Киноафиша».
21.00 «Время».
21.35 Стивен Сигал «Забт этиш» жангари фильмида.
23.30 Футбол шарҳи.
00.15 «Ботмаган ой қиссаси» тарихий детективида саркарда ҳалокати.

ҚозТВ
8.05 «Уйғон ва куйла!».
8.25 «Кайсар». Ҳарбий-ахборот кўрсатуви.
8.45 Мультфильм.
9.05 «Болакай». Болалар учун кўрсатув.
9.15 Болалар учун фильм.
9.20 «Товушлар музейи».
10.50 «Киносаёҳат».
11.40 Гала-концерт.
12.10 Мультфильм.
12.30 «Энши-балапан».
13.00 Концерт.
13.30 «Кино санъати».
14.00 «Ипак йўли». Телеэкспедиция.
14.30 «Замин соҳиби».
14.50 «Ютуқ» салони.
15.20 «Аскар ва фил». Бадиий фильм.
16.40 «Гутен абенд!» Немис таҳририятининг кўрсатуви.
17.40 Мультфильм.
18.00 «Сифат».
18.20 «Хотиралар архиви».
18.45 «Профи-тайм».
19.00 «Шахс». Жанна Ахметованинг муаллифлик дастури.
19.30 Концерт.
20.00 «Миллий лотерея».
20.10 «Профи-шахс».
20.30 Концерт.
21.10 «Қизил олма». Бадиий фильм.
22.30 «Шамчироқ».

ҚУТЛАЙМИЗ!

Меҳрибон устоз, факультет декани, фалсафа фанлари доктори, профессор Мэлс Маҳмудовни таваллуд топган кунлари билан қизғин ва самимий кутлаймиз.

Устоз мана 30 йилдирки, ёшларга таълим-тарбия бериб келаётир. Бағри кенг, жонкуяр инсон сифатида танилган мураббий кўплаб шогирдлар тайёрлади. Улар устозлари сингари элга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар.

Биз бу азиз инсонга ва унинг оила аъзоларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Бухоро давлат университети педагогика факультети ўқитувчилари ва талабалари.

«ОЛОЙ БОЗОРИ»

очиқ турдаги акционерлик жамияти акционерлари диққатига!

1998 йил 9 ноябрь соат 16.00да Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида (А.Темур кўчаси, 72 уй) «Олой бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти ўз акционерларининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг таъсис ва ички норматив ҳужжатларини Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли «Акционерлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган намунавий ҳужжатларга мувофиқлаштириш тўғрисида.
2. Акционерлик жамияти ижроия органи раҳбари ва кузатув кенгашининг жамият тузилган вақтдан то шу кунга қадар кўрсатган фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Жамият кузатув кенгашига янги аъзо сайлаш.
4. Акционерлик жамияти ижроия органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. Акционерлик жамияти ижроия органи раҳбарининг, жамият кузатув кенгашига ва акционерларнинг умумий мажлисларида берадиган ҳисоботларининг графигини ҳамда шаклини тасдиқлаш.
6. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги кузатув кенгашининг 1998 йил 12 июндаги (16-сонли баённома) қарорини тасдиқлаш тўғрисида.

Акционерлар Юнусобод тумани ҳокимиятида соат 15.00дан бошлаб рўйхатга олинади.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акционерлар рўйхати жамият акционерлари реестрининг 1998 йил 24 октябрь ҳолатига кўра тузилади. Умумий йиғилишда тайёрланган ҳужжатлар билан жамият бошқаруви (идораси)да қуйидаги манзилда танишиш мумкин: Амир Темур кўчаси, 24-уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан Бердиёров Улуғбек Исмоидович номига берилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат этувчи 506286-рақамли гувоҳнома-патент йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишга оид Фармони мамлакатимиз кишилари томонидан мамнуният ҳамда миннатдорчилик ила қарши олинди. Давлатимиз раҳбари халқ ўй-хаёлидан кечаётган барча масалаларни теран илғаётир. Шу боисдан айнан халқ кутган тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Эълон қилинган Фармон муносабати билан таҳририятимизга кўплаб хатлар, шошилинчномалар келмоқда. Куйида дил сўзлари баён этилган айрим фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола қилинади.

МАНМАНЛИК ЭЛДАН АЙИРАР

Ўн нафар фарзандим бор. Бозор шароитида уларни тарбия қилишнинг ўзи бўлмайди. Умрдошим билан маошимизни тежаб, пулни-пулга уриштириб болаларимизни камолга етказаяпмиз. Президент ҳаётбахш фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланди. Масалан, томорқадан йилига мўмай даромад олаяпмиз. Бу бозор муаммоларини енгишда қўл келаяпти. Демоқчиманки, ибичишдан камчилигимиз йўқ. Ҳамкору-ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб ойма-ой ҳаётимизни яхшилаб бораяпмиз.

Бироқ, сўнгги вақтларда оёғи ердан узилган, шуҳратпараст баъзи кимсалар тўю-тантаналарни, ҳаттоки маъракаларни ҳам бағоят дабдабали ўтказиб, ёшлар тарбиясига катта зиён етказмоқдалар. Қолаверса, уларнинг эл-юрт одатлари, анъаналарини менсимаётганликлари оддий фуқароларда норозилик уйғотмоқда.

Президентимизга қуллуқ! Бағоят қимматли фармони олий эълон қилиб номақбул одатларга берилган кишиларнинг кўзини очдилар. Халқ мустақил Ўзбекистонимизда ҳамиша қонун устивор эканлигига, ҳар бир фуқаро, у ким бўлишидан қатъий назар ана шу қонунларимиз олдида теппа-тенг эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда Президент фармонининг моҳиятини кенг тарғиб этиш юзасидан яхши ишлар амалга оширилмоқда.

Норхол БЕККЕЛДИЕВА,
уй бекаси, Шеробод тумани.

НОМАҚБУЛ АНЪАНА

Яқинда қўшним тўй қилди. Сарф-харажатлар кишини эсанкиратарди. ЗАГСнинг ўзига 15 та қора «волга»лар билан боришди. Ҳар бир инсон ниятига етсин. Эски қадрдонларим хурсандчилигидан биз ҳам қувондик. Бироқ, исрофгарчиликлар, дабдабабозлик менга ёқмади. Чуқур ўйга толганимнинг яна бир сабаби бор. Ўзим ҳам тўй ҳаракатидаман. Табиийки, ёлғизгина ўғлим албатта ЗАГСга бориш учун ўндан ортиқ машина бўлсин дейди. Очиғи, бундай имконият бизда йўқ. Кечирасиз-у, «бойвачча»ларнинг номақбул анъаналарга берилишлари биз каби оддий фуқароларни вақти келганида қийин аҳволга солиб қўймоқда. Бундай кишилар орасида давлат хизматидаги инсонларнинг борлиги ғоят ачинарлидир.

Президент Фармони ҳаммамизни ўзимизга келтирди. У ўзаро талабчанликни ошириш, ақл билан яшашга ўргатади.

Зуҳр МАДИЁРОВ,
Меҳнат фахрийси, Қамаши тумани.

ОБРЎ МИСҚОЛЛАБ ЙИҒИЛАДИ

Ҳар бир инсон ҳаётда не-не эзгу-ниятлар билан яшайди. Орзусини рўёбга чиқариш учун йиллар мобайнида сидқидилдан тер тўкади, изланади, тўсиқларни енгиш учун сабот-матонат кўрсатади. Демак, обрў мисқоллаб йиғилади. Ҳаётда элим, юртим деб ёниб-жўшиб ишлаётган асл фидоийлар, раҳбару мутахассислар жуда кўп. Улар ўзларининг кучли салоҳияти, ташаббуслари, садоқатлари билан Ватанимизни улуғламоқдалар.

Бахтга қарши шундай раҳбарлар борки, улар назоратнинг сустлиги ёки ўзбекчилик деганимиздек, баъзи иллатларни кўриб кўрмаганга олишимиздан фойдаланмоқдалар. Оқибат натижада бундайлар кўпни, анъаналаримизни менсимай кўнгилларига келган ишни қилмоқдалар. Маълумки, эгри йўл билан топилган пул инсонни номақбул йўлларга бошлайди. Фармонда барчамизнинг дилимиздаги гаплар айтилган: агар инсонлар эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини хайр-эҳсонга, бева-бечораларга, туррар-жойларни обод қилишга, йўллар, кўприклар қуришга сарфласалар қандай улуғ иш бўларди.

Яна бир фикр, фармонда халқимиз олдига қўйилган бағоят муҳим вазифалар матбуотда мавсумий тарзда эмас, мунтазам, доимий, изчил ёритиб борилиши лозим.

Маҳкамбой ОТАҚЎЗИЕВ,
Меҳнат фахрийси,
Қуйи Чирчиқ тумани.

Ҳар тўғрида

ШЕР ОҒЗИДАГИ САЙЁҚ

Машҳур инглиз сайёҳи Давид Ливингстон Марказий Африкага қилган саёҳатларидан бирида қўққисдан шерга рўпара келиб қолади. Шунда йиртқич уни даст тишлаб чангалзорга судраб кетади. Бу ҳодиса тўғрисида сайёҳнинг ўзи шундай ҳикоя қилади: «Шернинг ириллаган мудҳиш овози нақ қулоғим тагида эшитиларди.У мени дам уёққа,дам буёққа силтарди. Мен эса қотиб қолган эдим. Ақлихушим жойида бўлишига қарамай,на оғриқ,на қўрқув сезмасдим.

Чиндан ҳам ажабланарли ҳол—миямнинг шу маҳалдаги ишини онгли жараён натижаси деб қараш ҳам мутлақо мумкин эмасди.

Киши танасида ҳаётдан асар йўқлигини сезган шер,ҳафсаласи пир бўлиб,сайёҳни оғзидан ташлаб кетган.Бу пайтдан фойдаланган сайёҳ ҳушини тўплаб, қочиб қолган.

Бу ажойиб ҳодиса шуни исботлайдики,муайян хавф олдида жониворда рўй берадиган танатоз ҳолати кўпинча ўзини муҳофаза қилиш инстинктидан иборат бўлади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

БАҒРИТОШЛАР

ФАРЗАНДИДАН ЮЗ ЎГИРГАН, ГУНОҲИ АЗИМГА БОТГАНЛАР ФОЖЕАСИ

Ота дейман, бузрук падар,
Ота, қаён кетдингиз.
Вужудимда дарду кадар,
Ғамга ошно этдингиз.
Бизни ёлғиз ташламанг деб,
Фарёд чекиб ёлвордим,
Дод солдиму йиғлаб-йиғлаб
Орқангиздан зор қолдим.

Умр..! Умр инсон деган шарафли зотга берилган энг буюк неъматдир. У ҳар бир киши учун бу дунёдаги бир зумлик бекатдек гап.

Шундай инсонлар борки, асрлар олдида лаҳза ҳисобланган ўлчоғлик ҳаётлари давомида ибратли умр кечирадилар. Ўз ортларидан хайрли амалларни қолдирадилар. Аммо... Шоир айтмиш қора ранг борки, оқни таниймиз, ёмонлар борки, яхши кишилар борлигини сезамиз:

Сен яхшисан мен ёмондирман,
Сен борсанки мен омондирман...

Ана шу ёмон аталмиш кимсалар бу синовли дунёдаги оний лаззатлар олдида ўзларини йўқотиб қўядилар. Бугуни бору эртаси йўқ рўёни деб кечириб бўлмас хатоликларга қўл урадилар. Интилиб яшаётганлари, бир қарашда ўзлари учун дабдабали кўринган айшу-ишратли ҳаётлари маълум вақт ўтгач сароб эканлиги аён бўлади. Лекин, кейинги пушмон...

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли Шаҳар болалар уйи. Атроф саромжон-сариштa, тиқ этган товуш эшитилмайди.

-Мана бу энг ёш боламиз, яқиндагина туғилган,-дея кичкинагина чақалоқни кўрсатди бош шифокор Гули Аббосхонова.

Жажжигина бу болакай ширин уйқуда эди. У ҳали мурғак қалби билан бу бир кам дунёнинг ташвишлари бошига жуда эрта тушганини сезиб улгурганича йўқ. Гўёки унинг дунё билан ҳам, одамлар билан ҳам иши йўқдай. Туғилибоқ онанинг иссиқ кучоғидан, оила меҳридан жудо бўлган бу фариштадек бегуноҳ гўдакка қараб: «Азиз болажон, зораки сенинг ёш қалбинг оқу қорани танигунича ота-онанг инсофга келиб, сенинг бу ярим бағрингни бутун қилиб, оғушига қайтарса»,-дея унсиз йиғладим. Вужудимни қандайдир оғир юк босгандай туюлди. Хонада эса сукунат.

Яратганнинг мўъжизасига таҳсинлар бўлсинки, чақалоқлар хонага кирган одамни дарров сезиб, юз-кўз ифодаларида ўзгариш пайдо бўлаётгани кўриниб турарди. Қоп-қора кўзлари катта-катта болажон томон яқин келишимиз билан қизиқиб қарай бошлади, унинг кўзлари ҳам кулаётгани шундоққина билиниб турарди.

-Улар ҳам сезишади, меҳмон келса ҳурсанд бўлиб қувонишади,-дея болакайни меҳрибонлик билан суяди Гули опа. Бошқа бир гўдак уни эркалаб қўлчаларини силкитаётган опага қараб қиқир-қиқир кулади.

Шаҳар болалар уйининг бош шифокори Гули Аббосхонова ҳар бир болакайга меҳр тўла кўзлари билан боқиб, улардан ширин сўзларини аямайди. Бу ер унинг иккинчи уйига айланган, кўнгли доимо шу ерда - болалар билан бирга.

Шу вақт шаҳримиздаги туғруқхоналарнинг биридан янги туғилган чақалоқни олиб келишди. Унинг инга-ингаси борлиқни тутиб кетди. Бу овозга инсоннинг юраги дош бериши қийин эди. Чақалоқ ширингина ўғил бола экан. Туғилганига эндигина икки ҳафта бўлибди холос. Онаси туғруқхонанинг ўзидаёқ воз кечиш хатини ёзиб, кетиб қолган экан. Болажон қорни очиб онаси кўкрагини қидирарди.

Ёруғ дунёга келибоқ сени эшикма-эшик юришга мажбур қилган онанг ҳали сенинг изларингга, ҳидларингга зор бўлади, дейман унга кўзларимга келган ёшни қайтара олмай. Ахир дунёда чақалоқ исидан ҳам муаттарроқ ҳид борми!? Ҳали сен шундай инсон бўлиб етишгинки..!

Кимки ниманики хорласа охири ўша нарсага зор бўлиши муқаррар. Буни ҳаётда дуч келаётган мисоллар исботлаган. Ҳатто бир ҳамкасбим фарзандини хорлаб, уни ташлаб кетган отанинг йиллар давомида бир неча турмуш кўрса-да фарзандга зор ўтганини сўзлаб берганида беихтиёр Оллоҳнинг қудратига ҳамду санолар айтганман.

- Бу бола беникоҳ туғилган экан. Бундай аёлларга бўлган нафратингизни ифодалашга сўз ожиз,-дейди овози титраб ҳис-ҳаяжонини яшира олмаган бош шифокор.

- Бу ерда ишлаш учун ҳам бир жасорат керак,-дедим Гули опага. Болаларга қараб турибоқ чидаш қийин. Ахир уларнинг гуноҳи нимада?

Инсонман дегани борки, оғзидан тушиб кетган сўрғичини қидириб тамшанаётган норасидага бефарқ қараб туролмаса керак. Шундай дейман-у, аммо уларни бу ерга ташлаб кетган ота-оналари ҳам инсон-ку, деган инкор хаёлимда жонланади. Шу ўринда бир манзара кўз ўнгимга келади.

Бир куни ҳовлимизга учирма қилаётган чумчуқ боласи келиб қўнди. У ҳадеганда онасининг ортидан учиб кета олмасди. Бундан ташвишга тушган она чумчуқ жон ҳолатда боласи тепасида чир айланар, унинг чуғур-чуғури ҳовлини тутиб кетганди. У пириллаб келиб тумшуғидаги егулиқни боласи оғзига солди ва уни олиб кетиш йўлларини қидиргандек ўзини ҳали ҳовлининг у бурчагига, ҳали бу бурчагига урарди. Жонсараклик билан ҳавода чириллай-чириллай айланаётган она чумчуқ ахийри бир неча уринишдан сўнг боласини тумшуғида илиб олиб кетди. Э, воҳ, не тил билан айтайки баъзи бағри тош ота-оналар эса болаларини кўчакўйга ташлаб кетмоқдалар. Бунинг исботи учун бу даргоҳга келтирилаётган болаларнинг гоҳ кўча-кўйдан, гоҳ ахлатхоналардан, гоҳо эса анҳор бўйларидан, қабристонлардан топиб олинаётганлигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Тилсиз чақалоқни бу даражада хорлаб хўрлаганлар учун ёзилмаган жазолар ҳам борлигини улар унутган кўринадилар.

Гуруҳларни айланар эканмиз мавжуд 9 та гуруҳ хоналарининг барчаси баб-баробар сариштa, ёғ тушса ялагудек, болалар учун ўйинчоқлар бисёр, ётоқхона-ю ўринлари покиза эканлигининг гувоҳи бўлдик. Уларни оқ ювиб, оқ тараётган тарбиячиларга Оллоҳнинг марҳаматини тиладик. Тарбиячиларнинг қўллари гуллигига уларнинг ўзлари турли ўйинчоқлар, юмшоқ кўғирчоқлар ясаб гуруҳларга ясатиб қўйганларини кўрганимиздан сўнг яна бир бор амин бўлдик.

-Биз қабул қилиб олаётган болаларнинг кўпчилиги носоғлом оилаларнинг - ичкиликка ружу қўйган, енгил ҳаёт йўлига кирганларнинг фарзандлари, беникоҳ туғилган болалар,- дейди Гули Аббосхонова. - Шунингдек, жигаргўшаларини туғруқхоналарда воз кечиш хатини ёзиб ташлаб кетаётган, руҳий касалликларга чалинган, жиноий жавобгарликка тортилган ота-оналарнинг болалари ҳам бор. Тўртта гуруҳимизда руҳий анамал касаллик билан туғилган болалар парвариш қилинади. Қолган гуруҳларимизда соғлом болалар тарбияланадилар. Уларни ҳам нисбатан соғлом дейишимиз мумкин. Яъни руҳий анамал камчилиги бўлмаса ҳам ёшига нисбатан вазни, бўйи кичикроқ ўзи нимжонроқ, айримлари камқонликка чалинган болалардир.

Кези келганда шуни ҳам айтмоқчи эдимки, Шаҳар болалар уйига келган ўғил-қизлар учта поғонани бошларидан кечирадилар. Яъни уч ёшгача бизда тарбиялансалар, сўнг 24-болалар уйига ўтказиладилар. Улар 10 ёшгача у ерда бўлиб, кейин хусусан 21-болалар уйида яшайдилар. Энди бир ўйлаб кўрайлик, уч жойда уч хил одамлар, уч хил муҳит. Ҳаммасида ҳам уларга меҳрибонлик кўрсатилади. Кийим-кечагу озиқ-овқатлар муҳайё. Аммо энди бир жойга кўникканларида иккинчи жойга ўрганиш уларга осон дейсизми?!

Рақамларга кўз югуртирамиз. 1998 йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу масканга 122 нафар бола келтирилган. Улардан 39 нафари ташлаб кетилган болалар, 56 нафари воз кечилганлар, 6 нафари вақтинча яъни маълум муддатга келганлар, 1 нафари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фарзанди, 20 нафари руҳий анамал касаллиги бор болаларни ташкил қилади. Ҳозирда болалар уйида ўртача 100 нафар гўдак ўсмоқда. Йил давомида бу ерда айланиш жараёни давом этади. Яъни бир қанча болалар тирноққа зор оилаларга фарзандликка берилади, ёши катталари тегишли ёшдаги меҳрибонлик уйларига ўтказиладилар, айримларини кўзи ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам очилган ота-оналари қайтариб олиб кетадилар.

Кўзларини сиз томон қадаётган, сиздан ниманидир излаётган гўдакларга қараб юрак- бағрингиз эзилиб, инсоний ҳис-туйғуларингиз жунбушга келади.

Эй, адашган оналар! Сиз болангизни кўкрак сутингиздан, оналарнинг муқаддас қўшиғи алладан жудо қилдингиз. Бу гуноҳингиз кечирилармикин? Сиз бу ишларга қўл ураётганингизда қилган хатоларингиз билан ўзингизни икки дунё лаззатидан маҳрум қилаётганингизни билганмидингиз? Илло, ушбу мақолани ёзишимиздан мақсад бировларга насиҳат қилиш ҳам эмас. Шоядки, мақоламиз боис уларнинг гуноҳларини такрорлаш арафасида турган ота-оналар бу йўлдан қайтишса, яна кимлардир инсофга келиб ўз боласини бағрига босса...

Шу ўринда «Онажонлар, нури-дийдаларингизга алла айтинг, алла инсонларга меҳр бахш этувчи қўшиқ, бола вужудига сут билан сингган алла уни яхши ишлар томон етаклайди, дегим келади:

Алла айтинг, айтинг, онажон,
Куйланг садоқатнинг эртакларини.
Авайлангиз бешикда ётган,
Келажакнинг куртакларини.

Алла айтинг, айтинг, онажон,
Сўзлаб беринг ўтмиш тарихдан.
Деманг нени билар мурғак жон,
Ватан бошланарку асли бешикдан.

Алла айтинг, айтинг, онажон,
Меҳрингизни бериб эркаланг-суйинг.
Ватан иймон эрур, Ватан танда жон
Кўкрак сути билан қалбига қуйинг!

Болаларнинг ҳаёти билан танишар эканмиз, соғлиқлари учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганликлари тўғрисида қизиқдик. Уларга бу ерда беш маҳал: биринчи ва иккинчи нонушта, тушлик, ярим кунлик, кечки овқат берилади. Таомларнинг таркибига тухум ва тухумли, сут ва сутли маҳсулотлар, сариёғ, дармондориларга бой маҳсулотлардан тайёрланган иссиқ овқатлар, мева ва сабзавотлар киради.

Бир нафар олий тоифали, 26 нафар биринчи тоифали, ўн нафар иккинчи тоифага эга бўлган жами 53 нафар тарбиячи болаларга меҳрларини бериб, уларни ўз фарзандларидек тарбия қилмоқдалар. Ҳар бир гуруҳда тўрт нафардан тарбиячи навбат билан туну-кун уларнинг ёнида.

Шаҳар болалар уйи тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, дори-дармонлар билан давлатимиз тўлиқ таъминлайди. Ҳар бир бола учун бир кунда ўртача 430 сўм, бир ойда 12 минг 900 сўм, бир йилда эса 154 минг 800 сўм маблағ сарфланади. Шунингдек, ҳомийлардан «Нида» қўшма корхонаси, «Таянч» агентлиги,«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси болажонларга ёрдам бериб келмоқда.

Шунингдек, шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, Юнусобод туман ҳокимияти, Юнусобод туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳам уларнинг ҳол-аҳволидан доимо хабардор.

1997 йилда «Пахтабанк» Шаҳар болалар уйи ҳисоб рақамига ½ миллион сўм, 1998 йилда эса 500 минг сўм маблағ ўтказганини алоҳида таъкидлашни лозим топдик. Бу маблағларга хоналарни таъмирлаш, иситиш тармоқлари ва қувурларни, батареяларни алмаштириш ишлари амалга оширилди. Барча учун ибрат бўлувчи бундай хайрли ва савоб ишларга хотамтой, саховатпеша инсонларимиз ҳам ҳисса қўшмоқдалар. Улар ҳам қўлларидан келганча хайрия ёрдамларини бермоқдалар. Мусиқадан ва лагопедлар билан олиб бориладиган машғулотларни мутахассислар олиб борадилар.

Сирасини айтганда, болаларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, вояга етказишда давлатимиз чуқур ғамхўрлик билан уларнинг бошини силамоқда. Аммо, гўдаклар қалби ота-она меҳрига ташна. Бу ташналикни эса на давлат, на тарбиячилар ва на бошқа биров тўлдира олади...

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Келгуси ҳафтада об-ҳаво

Гидрометеорология марказининг хабар қилишича, Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, 2 ноябрда айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 3-8 даража илиқ, 3 ноябрда О-5 даража илиқ, 31 октябр - 1 ноябрда кундузи 17-22, 2-3 ноябрда эса 12-17 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 4-9 даража, 31 октябр - 1 ноябрда кундузи 2О-25, 2-3 ноябрда эса 15-2О даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, 31 октябр - 1 ноябрда кундузи 18-23, 2-3 ноябрда эса 14-19 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди, кечаси 5-1О даража илиқ, 31 октябр - 1 ноябрда кундузи 22-27, 2-3 ноябрда эса 18-23 даража иссиқ бўлади.

Фарғона водийсидаги вилоятларда ҳам ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3-8 даража, 31 октябр - 1 ноябрда кундузи 17-22 даража, 2-3 ноябрда эса 14-19 даража иссиқ бўлади.

/ЎзА/

Насибахон Холиқулова Жиззах «Пластмасса» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятининг пешқадам ишчиларидан. Унинг қўлидан чиқаётган рўзғор буюмлари ўзининг бежиримлиги, сифатлилиги билан ажралиб туради. Айни кунларда корхонада 60 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

НОРАСМИЙ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ

СТАУНТОН

Говард Стаунтон (1810 йилда туғилган) никоҳсиз дунёга келган бола бўлган. Онаси эрта вафот этиб, бола дастлабки қадамлариданоқ қаровсиз қолган эди. Бўлажак тож кийгизилмаган чемпион, йирик шекспиршунос, шахмат ривожига катта улуш қўшган инсоннинг болалик ва ўспиринлик чоғлари ана шундай қувончлардан бебаҳра кечган эди. Бироқ Стаунтон бундай шуҳратга умрининг охирларида эришган. Аслида фаолиятини... актёрликдан бошлаган.

Кўпгина тенгқурлари каби болалигида у театрни ҳавас қиларди. Ёлғиз қолгач, ўз бахтини шу соҳада синаб кўрмоқчи бўлди. Инчунун театр оламида насл-насабнинг аҳамияти йўқ ҳисоби эди. Бунда бошқача қонунлар ҳукм сурарди.

Нима ҳам бўлди-ю, Говард машҳур трагик Эдмонд Кин билан учрашиб қолди. Кин ёш дўстининг актёр бўлиш истагини эшитиб, унга ёрдам беришни ваъда қилди. Ҳақиқатан ҳам у Говардга театрга жойлашиб олиши учун кўмаклашди. Лекин у ўртамиёна актёр бўлиб чиқдики, буни ўзи бир неча бор тан олган эди.

Кин билан бўлган дўстликнинг бошқа томони ҳам бор эди. Машҳур трагик шахматни севарди ва улар театрдаги танаффус пайтларида саҳна орқасида ўтириб олиб жим-жит «жанг» қилардилар. Униси ҳам, буниси ҳам дурустроқ ўйнамасди.

Шундай қилиб, саҳна фаолияти Стаунтонга шуҳрат келтирмади. У эса шуҳратталаб эди. Борди-ю, ўзини журналистика соҳасида синаб кўрса-чи? Бунда ҳам ном чиқарса бўларди. Шу алфоз Стаунтон репортёр бўлиб олади.

Маълумки, репортёрни оёғи боқади. Бўлғуси мақолаларининг қаҳрамонларини топаман деб Стаунтон бир куни шахмат клубига кириб қолди. У ерда ҳукм сураётган шахмат санъатига бўлган чуқур ҳурмат вазияти уни лол қолдирди. Биринчи сафар шахмат тахтаси ёнига келиб ўтиришга ҳад қилолмади, масҳара бўлиб қолишидан чўчиди.

Стаунтон узоқ томошабин бўлиб қололмади. У шахмат жангларининг фаол иштирокчисига айланиб қолди. Лекин ўз табиатига кўра у максималист эканлигидан иккинчи даражали шахс бўлиш уни қониқтирмасди. Стаунтон мақсад сари ажабланарли қатъият билан интилди. У нафақат улкан меҳнатсеварлиги, балки иродаси, кунту матонати билан ҳам ажралиб турарди. Сезгиси унга худди шу шахматда ўзини кўрсата олиши, ўз ўрнини топиши мумкинлигини шипшитиб турарди.

Унинг маҳорат зинапояларидан чиқиб бориши асло бемашаққат бўлмади. У кўп марталаб муваффақиятсизликлар аламини тортди. Лекин улар Стаунтонни белни ярада маҳкамроқ боғлашга ундарди. 30-йилларнинг охирига келганда шахмат кучи жиҳатидан у энди Англиянинг энг яхши мастерларидан қолишмасди.





Унинг 1840 йили Богарт билан ўйнаган матчи алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу шогирднинг яқиндагина унга бир рух бериб ўйновчи устоз билан яккама-якка олишуви эди. Теппа-тенг ўйналган эндиги матчда эса ишончли ғалаба шогирдга насиб этди. (+10-5=6)

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Янги ғалабалар кучилди. Стаунтон Англиянинг биринчи шахматчиси деган шуҳрат топади. Лекин, баъзиларга унинг яққол ифодаланган позициявий ўйин услуби ёқмайди. Тағин бу Европанинг романтизм тўлқини авж олган пайтда, шахматда фақат тўғридан тўғри шоҳга қилинадиган ҳужумлар чиройли комбинациялар тан олинадиган даврларда рўй берди. Стаунтон бўлса манёврлар қилиш, партиянинг ўзи айниқса яхши эгаллаган техникавий босқичига ўтиш учун афзалликларни мисқоллаб тўплашни ёқтирарди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.
(давоми бор).

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Тасвирларда оқлар бошлаб икки юришда мот қилади. Булар нисбатан анча осон масалалар бўлгани учун уларни фикран, яъни тахтага термай ечишга ҳаракат қилиб кўринг.

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй, Нашр кўрсаткичи, 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.30

Буюртма Г— 0421. Нусхаси — 15.088.